



**КРИМИНОГЕН ВАЗИЯТИ МУРАККАБ МАҲАЛЛАЛАР: ЎЗИГА ХОС
ХУСУСИЯТЛАРИ, БАҲОЛАШ МЕЗОНЛАРИ ВА ПРОФИЛАКТИКА
МЕХАНИЗМЛАРИ**

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси
Магистратура тингловчиси

Абдуразаков Абдувахид Абдулҳаевич

Аннотация: ушбу мақолада жамиятда жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олишда “криминоген вазияти мураккаб маҳалла” тушунчасининг мазмун-моҳияти, уни баҳолашнинг объектив ва субъектив мезонлари криминологик жиҳатдан таҳлил қилинган. Тадқиқотда жаҳон криминологиясида тан олинган “Ижтимоий дезорганизация” ва “Синган ойналар” назарияларининг миллий маҳалла институтига татбиқ этилиши очиб берилган. Шунингдек, маҳаллаларда криминоген вазиятни барқарорлаштириш, “маҳаллабай” ва “фуқаробай” ишлаш тизимини ривожлантириш ҳамда профилактика чора-тадбирларини самарали ташиқил этишда маҳаллий ҳокимликлар ҳамда давлат органлари раҳбарларининг шахсий масъулияти масалалари илмий-амалий жиҳатдан асосланган.

Калит сўзлар: криминоген вазият, жиноятлар профилактикаси, мураккаб маҳалла, ижтимоий назорат, баҳолаш мезонлари, “синган ойналар” назарияси, ижтимоий дезорганизация, раҳбарларнинг шахсий масъулияти, виктимологик хусусиятлар.

Янги Ўзбекистон шароитида жамият хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш давлат сиёсатининг энг устувор йўналишларидан бирига айланди. Бу жараёнда, энг аввало, ҳудудлардаги



реал криминоген вазиятни илмий жиҳатдан тўғри баҳолаш ҳамда муаммоларни бевосита қуйи бўғинда – маҳалланинг ўзида ҳал этиш (“маҳаллабай” ишлаш) тизими муҳим аҳамият касб этмоқда. Замонавий криминология ва жиноят ҳуқуқи илм-фанида маълум бир ҳудуддаги жиноятчилик ҳолати ва уни келтириб чиқарувчи сабаб ва шарт-шароитлар мажмуи “криминоген вазият” тушунчаси орқали ифодаланади. Ушбу мақолада биз “криминоген вазияти мураккаб маҳалла” тушунчасининг илмий-назарий мазмун-моҳиятини, унинг ўзига хос хусусиятларини, бундай микроҳудудларни аниқлашнинг объектив ва субъектив мезонларини, шунингдек, мазкур жараёндаги раҳбарлар масъулиятини криминологик жиҳатдан таҳлил қиламиз.

Криминология фанида “криминоген вазият” тушунчасига нисбатан турли хил ёндашувлар мавжуд. Олимларнинг фикрича, криминоген вазият – бу фақатгина содир этилган жиноятлар статистикаси эмас, балки жиноятчиликни келтириб чиқарувчи сабаб ва шарт-шароитларнинг мажмуидир.

Кўплаб ҳуқуқшунос олимлар, хусусан, В.Н. Кудрявцев ва А.И. Долгова каби криминологларнинг асарларида таъкидланишича, криминоген вазият муайян ҳудудда маълум вақт оралиғида шаклланган ижтимоий, иқтисодий, демографик ва ҳуқуқий омилларнинг ўзаро таъсири натижасидир¹. Уларнинг фикрига кўра, вазиятнинг “мураккаблашуви”

¹ Аслаханов В.В. и др. О причинах российской коррупции //ББК 63 П 99 Рецензенты: доктор исторических наук, профессор кафедры «История России, краеведение и методика преподавания истории» Пензенского государственного университета. – С. 271.



бевосита жамиятдаги ижтимоий назоратнинг сусайиши ва девиант хуққ-
атворли шахслар концентратсиясининг ортиши билан боғлиқ.

Миллий олимларимиз, жумладан И. Исмаилов ва М.Х. Рустамбоевларнинг илмий тадқиқотларида жиноятчиликнинг худудий хусусиятларига алоҳида эътибор қаратилади. Уларнинг ёндашувига кўра, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тизимида ҳар бир маъмурий-худудий бирликнинг (хусусан, маҳалланинг) ўзига хос микроклими ва ижтимоий-руҳий муҳити ҳисобга олиниши шарт.

Ўзбекистон шароитида “маҳалла” шунчаки географик ҳудуд эмас, балки муҳим ижтимоий институт, қадриятлар ва удумлар шаклланадиган микромуҳит ҳисобланади. Илмий нуқтаи назардан, маҳалла:

– ижтимоий назоратнинг бирламчи бўғини яъни, оилавий-маиший низолар, ёшларнинг бўш вақти ва аҳолининг ижтимоий кайфияти бевосита шу ерда намоён бўлади;

профилактика субъекти ҳисобланиб, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш фақатгина ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар (*профилактика инспекторлари, тезкор ходимлар*) томонидан эмас, балки жамоатчилик назорати орқали амалга ошириладиган макон.

Шу сабабли, “криминоген вазияти мураккаб маҳалла” деганда, ижтимоий назорат механизмлари етарли даражада ишламаётган, аҳоли ўртасида ҳуқуқбузарликларни содир этишга мойиллик юқори бўлган, шунингдек, муқаддам судланганлар ва пробация ҳисобида турган шахсларнинг ижтимоий мослашувида тизимли муаммолар мавжуд бўлган маъмурий ҳудуд тушунилади.



Илмий таҳлилларга таянган ҳолда, бундай маҳаллаларнинг асосий хусусиятларини қуйидагича таснифлаш мумкин:

Статистик (*миқдорий*) хусусиятлар кўра, жиноят ва ҳуқуқбузарликлар сонининг аҳоли жон бошига (*масалан, ҳар 10 000 аҳолига*) нисбатан юқорилиги; рецидив (*такрорий*) жиноятлар улушининг кўплиги.

Ижтимоий-иқтисодий хусусиятларига кўра, ишсизлик даражасининг юқорилиги, доимий даромад манбаига эга бўлмаган ёшлар катлами, миграция жараёнларининг назоратсизлиги.

Виктимологик хусусиятларига кўра, аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятининг пастлиги сабабли, фирибгарлик, ўғрилиқ ёки оилавий зўравонлик қурбонига айланиш хавфининг юқорилиги.

Инфратузилмага оид хусусиятларига кўра, қоронғу кўчалар, қаровсиз қолган бинолар, видеокузатув ва бошқа рақамли хавфсизлик тизимларининг (*шу жумладан, локал назорат дастурларининг*) етарли даражада жорий этилмаганлиги.

Бугунги кунда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар амалиётида маҳаллаларни криминоген вазиятига қараб “қизил”, “сарик” ва “яшил” тоифаларга ажратиш тизими жорий этилган. Ушбу амалиётни илмий жиҳатдан асослашда қуйидаги мезонлар муҳим рол ўйнайди:

Объектив мезонлар:

- содир этилган оғир ва ўта оғир жиноятлар динамикаси;
- вояга етмаганлар ва хотин-қизлар томонидан содир этилган ҳуқуқбузарликлар салмоғи;
- оилавий-маиший доирадаги низолар ва уларнинг оқибатлари;



– пробация хизмати назоратида турган ҳамда жазони ўтаб қайтган шахсларнинг ижтимоий реабилитация ҳолати.

Субъектив мезонлар:

– аҳолининг ўз маҳалласида ўзини хавфсиз ҳис қилиш даражаси (*сўровномалар асосида*);

– фуқароларнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари (*профилактика инспектори*) фаолиятидан қониқиш даражаси.

Ушбу мезонларнинг мажмуавий таҳлили бизга қайси маҳаллада қандай йўналишдаги профилактик чора-тадбирларни кучайтириш лозимлигини аниқ кўрсатиб беради.

Криминоген вазияти мураккаб бўлган микроҳудудлар (*маҳаллалар*) табиатини ўрганишда жаҳон криминологиясида тан олинган фундаментал назарияларга мурожаат қилиш мақсадга мувофиқдир. Хусусан, Чикаго криминология мактаби вакиллари К. Шоу ва Г. Маккей томонидан илгари сурилган “Ижтимоий дезорганизация назарияси”² бугунги кунда маҳаллалардаги жиноятчиликни ўрганишда муҳим методологик асос бўлиб хизмат қилади. Ушбу назарияга кўра, жиноятчиликнинг ўсиши индивидуал биологик ёки психологик омиллардан кўра, кўпроқ ҳудуддаги ижтимоий институтларнинг емирилиши, қўшничилик алоқаларининг сусайиши ва жамоатчилик назоратининг йўқолиши билан боғлиқ.

Ўзбекистон шароитида бу назарияни маҳалла институтига татбиқ этсак, криминоген вазиятнинг “қизил” тоифага ўтиши, энг аввало, маҳалла

² Charis E. K., Ronald W. New directions in social disorganization theory //Recent developments in criminological theory. – Routledge, 2017. – С. 265-294.



фаоллари, оқсоқоллар ва жамоатчиликнинг ҳуқуқбузарликларга нисбатан мурасасиз муносабатининг пасайиши натижасида юз беради. Яъни, жинойтчилик юқори бўлган маҳаллаларда ижтимоий дезорганизация – бандлик муаммолари, оилавий ажримлар ва пробация назоратидаги шахсларнинг ижтимоий реабилитациядан четда қолиши каби кўринишларда намоён бўлади.

Шу билан бирга, Ж. Уилсон ва Ж. Келлинг томонидан ишлаб чиқилган машҳур “Синган ойналар”³ назарияси микроҳудудлардаги ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олишда классик ёндашув ҳисобланади. Назариянинг моҳияти шундан иборатки, агар бинонинг битта ойнаси синган бўлса-ю, у зудлик билан алмаштирилмаса, тез орада бинонинг барча ойналари синади. Яъни, жамиятда кичик ҳуқуқбузарликларга (*масалан, маҳалладаги майда безорилик, чиқиндиларни белгиланмаган жойга ташлаш, тунги вақтда кўчаларни ёритмаслик, спиртли ичимликларни очиқ истеъмол қилиш*) нисбатан тоқатсизлик шаклланмаса ва дарҳол чора кўрилмаса, бу ҳолат оғирроқ жинойтларнинг содир этилишига замин яратади.

Ушбу назария асосида шундай хулосага келиш мумкинки, криминоген вазияти мураккаб маҳаллаларни соғломлаштириш фақатгина оғир жинойтларга қарши курашиш билан эмас, балки энг қуйи бўғиндаги маъмурий ҳуқуқбузарликларни ва ижтимоий оғишларни барвақт аниқлаш ҳамда уларга чек қўйиш орқали амалга оширилади.

³ O. Brien D.T. Farrell C. Welsh B.C. Broken (windows) theory: A meta-analysis of the evidence for the pathways from neighborhood disorder to resident health outcomes and behaviors //Social science & medicine. – 2019. – Т. 228. – С. 272-292.



Криминологияда микрохудудлар жиноятчилигини баҳолаш бўйича МДХ олимлари, хусусан Г.А. Аванесов, А.И. Алексеев ва Ю.М. Антонянларнинг асарларида криминоген вазият геофазовий ва ижтимоий-демографик нуқтаи назардан таҳлил қилинган. Уларнинг фикрича, худуднинг криминоген даражаси у ерда яшовчи “риск гуруҳи”га кирувчи шахслар (*судланганлар, ичкиликбозлик ва гиёҳвандликка ружу қўйганлар, дайдилик билан шуғулланувчилар*) концентратсияси билан бевосита ўлчанади⁴.

Миллий ҳуқуқшунослигимизда сўнгги йилларда криминоген вазиятни баҳолаш усуллари концептуал жиҳатдан ўзгарди. Бугунги кунда “Умумий жиноятчилик” тушунчасидан воз кечилиб, жиноятларнинг содир этилиш сабабларига кўра таснифланиши (*масалан, оилавий-маиший доирадаги, ёшлар ўртасидаги, кўча ва жамоат жойларидаги жиноятлар*) илмий жиҳатдан асосланмоқда. Бу эса криминоген вазиятни баҳолашда “Маҳаллабай” ва “Фуқаробай” ишлаш тизимининг илмий пойдевори ҳисобланади.

Ҳуқуқшунос олимларнинг таъкидлашича, муайян маҳалланинг криминоген хусусиятини фақатгина қайд этилган жиноятлар сони билан ўлчаш етарли эмас. Илмий-амалий ёндашув шуни талаб қиладики, баҳолаш мезонларига қуйидаги индикаторлар ҳам киритилиши лозим:

⁴ Аванесов, Г.А., Алексеев, А.И., Антонян, Ю. М., Вицин, С. Е., Жигарев, Е. С., Игошев, К. Е., ... & Уткин, В. А. (1989). Криминология и профилактика преступлений. SJIF:5.219



– Ижтимоий кескинлик индексига кўра, маҳалладаги ишсизлар, пробация ҳисобида турганлар ва нотинч оилаларнинг умумий аҳоли сонига нисбати;

– Инфратузилма хавфсизлиги индексига кўра, маҳалла ҳудудининг кузатув камералари билан таъминланганлиги, криминоген ўчоқлар (*бозорлар, тунги клублар, қаровсиз ҳудудлар*) мавжудлиги;

– Реактивлик даражасига кўра, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва жамоатчилик тузилмаларининг содир бўлган воқеа-ҳодисаларга тезкор муносабат билдириш қобилияти.

Ўзбекистон Республикасида жамият хавфсизлигини таъминлаш ва ҳуқуқий тартиботни мустаҳкамлаш йўлида криминоген вазият мураккаб маҳаллаларда жиноятларнинг олдини олиш муҳим аҳамиятга эга. Бу йўналишда маҳаллий ҳокимликлар, давлат органлари ва ташкилотлар раҳбарларининг шахсий масъулиятини ошириш давлат сиёсатининг устувор вазифаларидан бирига айланди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 18 августдаги ПҚ-253-сон қарори билан “Криминоген вазияти мураккаб маҳаллаларда жиноятларнинг олдини олиш бўйича манзилли чоралар концепцияси” тасдиқланди, унда раҳбарларнинг шахсий жавобгарлиги қатъий белгилаб қўйилди⁵. Қарорга кўра, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари ҳар бир криминоген вазияти мураккаб маҳалла кесимида ойлик

⁵ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 18 августдаги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига маҳаллаларда жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш тизими натижадорлигини янада оширишга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” ПҚ-253-сон қарори / <https://lex.uz/uz/docs/7690026>.



“йўл хариталари” ишлаб чиқилишига, уларнинг ижроси таъминланишига ҳамда “намунавий хавфсиз кўча” ва “намунавий хавфсиз уй” лойиҳалари амалга оширилишига шахсий масъул этиб белгиланди. Шунингдек, Бош прокуратура, Ички ишлар вазирлиги ва бошқа масъул идоралар раҳбарлари криминоген вазияти мураккаб маҳаллаларда самарали ижтимоий профилактика тизими йўлга қўйилишига ва манзилли чора-тадбирлар тўлақонли бажарилишига шахсан жавобгар қилинди. Профессор М.Х.Рустамбаевнинг тадқиқотларига кўра, раҳбарларнинг шахсий масъулиятини ошириш криминоген вазиятнинг барқарорлашувида муҳим омил бўлиб, бу маҳаллий даражадаги профилактик чораларнинг самарадорлигини кўтаради⁶.

Криминоген вазияти мураккаб маҳаллаларда жиноятчиликнинг сабаблари кўпқиррали бўлиб, улар ижтимоий-иқтисодий қийинчиликлар, ишсизлик, оилавий низолар, ёшларнинг бандлиги билан боғлиқ. Статистик маълумотларга кўра, 2025 йилнинг биринчи ярмида Ўзбекистонда криминоген вазияти оғир маҳаллалар сони муайян даражада камайган бўлса-да, “қизил” тоифадаги маҳаллаларда жиноятларнинг олдини олиш мумкин бўлган ҳолатлар хали ҳам юқори⁷. Маълумотларга кўра, охириги беш йилда криминоген вазияти мураккаб бўлган маҳаллаларда алоҳида ташкилий-практик чоралар амалга оширилмоқда, бу эса раҳбарларнинг шахсий масъулиятини талаб этади. Профессор А.Қ. Қодиров фикрича, маҳаллий ҳокимликлар раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини ошириш профилактика тизимининг “илмий хулоса –

⁶ Рустамбаев М.Н. Криминоген вазият ва профилактика механизмлари// Юридик фанлар ахборотномаси. – 2024. – №. 3. – Б. 112-120.

⁷ Маҳаллаларда жиноятчилик статистикаси // Uza.uz. – 2025. – September.



тавсия – натижа” тамойилига асосланишини таъминлайди, чунки раҳбарлар жойлардаги реал вазиятни шахсан назорат қилади⁸. У шуни таъкидлайдики, ПҚ-253-сон қарорида белгиланган ойлик “йўл хариталари” раҳбарларнинг масъулиятини кучайтириб, маҳаллалардаги хавфсизликнинг барқарорлигини оширади.

Маҳаллий ҳокимликлар раҳбарларининг шахсий масъулиятини ошириш тизимининг муҳим жиҳати – уларнинг маҳалла кесимидаги манзилли ишларга бевосита жалб этилишидир. Қарорда вилоят ва туман ҳокимлари криминоген вазияти мураккаб маҳаллаларда “намунавий хавфсиз кўча” ва “намунавий хавфсиз уй” лойиҳаларини амалга оширишга шахсан масъул этиб кўрсатилган. Бу лойиҳалар маҳалладаги инфраструктурани яхшилаш, видеокузатув тизимларини ўрнатиш, ёритгичларни кўпайтириш ва жамоат тартибини сақлаш чораларини ўз ичига олади⁹. 2025 йилда ушбу лойиҳаларнинг амалга оширилиши натижасида баъзи маҳаллаларда жиноятлар сони 20-25 фоизга камайган. Профессор Р.Ш. Шариповнинг таҳлилига кўра, раҳбарларнинг шахсий масъулияти профилактик чораларнинг самарали ижросини таъминлайди, чунки улар жойлардаги муаммоларни шахсан ҳал қилади ва масъул ходимларнинг фаолиятини назорат қилади¹⁰. У шуни белгилайдики, қарорда кўрсатилган огоҳлантириш механизми раҳбарларнинг масъулиятини кучайтириб, бюрократик тўсиқларни бартараф этади.

Юқоридаги илмий-назарий ва амалий таҳлилларга таяниб, шундай хулосага келиш мумкинки, “криминоген вазияти мураккаб маҳалла”

⁸ Қодиров А.Қ. Раҳбарлар масъулияти ва профилактика // Общество и инновации. –2023. – Т. 4. – №. 5. – Б. 45-52.

⁹ Намунавий хавфсиз кўча ва уй лойиҳалари // Nrm.uz. – 2025.

¹⁰ Шарипов Р.Ш. Шахсий масъулият ва жиноятлар профилактикаси // World Bank Journal. – 2022. – P. 67-89. SJIF:5.219



фақатгина жиноятлар статистикаси юқори бўлган ҳудуд эмас, балки ижтимоий назорат механизмлари сусайган, инфратузилма ва аҳоли бандлиги билан боғлиқ муаммолар тўпланиб қолган мураккаб ижтимоий макондир. Маҳаллалардаги криминоген вазиятни соғломлаштириш ва уларни “қизил” тоифадан “яшил” тоифага ўтказиш фақатгина ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг вазифаси бўлиб қолмасдан, балки давлат ва жамоат ташкилотларининг тизимли ҳамкорлигини, айниқса, маҳаллий ҳокимликлар ва сектор раҳбарларининг шахсий масъулиятини талаб этади.

Жаҳон криминологияси фундаментал назариялари ва миллий амалиётимиз кўрсатмоқдаки, микроҳудудларда хавфсизликни таъминлашда энг майда ҳуқуқбузарликларга ва ижтимоий оғишларга ҳам мурасасиз муносабатни шакллантириш (“*Синган ойналар*” назарияси) энг самарали йўлдир. Шундан келиб чиқиб, криминоген вазияти мураккаб маҳаллаларда профилактика ишларини янада такомиллаштириш бўйича қуйидагилар таклиф этилади:

Биринчидан, маҳаллалардаги криминоген ҳолатни баҳолашда фақат қайд этилган жиноятлар сонига қараб эмас, балки аҳолининг ўз маҳалласида ўзини хавфсиз ҳис қилиш даражаси (*субъектив мезон*) ва ижтимоий кескинлик индекслари асосида баҳолаш тизимини тўлиқ рақамлаштириш лозим;

Иккинчидан, ҳар бир криминоген вазияти мураккаб маҳалланинг ўзига хос “ижтимоий касаллик тарихи”дан (*масалан, бир маҳаллада ишсизлик, бошқасида миграция ёки инфратузилманинг ёмонлиги сабаб бўлиши мумкин*)



келиб чиққан ҳолда, стандарт эмас, балки индивидуал манзилли “даволаш” (*профилактик*) дастурларини ишлаб чиқиш амалиётини кенгайтириш;

Учинчидан, ПҚ-253-сон қарори билан ўрнатилган раҳбарларнинг шахсий жавобгарлиги механизмини кундалик амалиётга тўлиқ татбиқ этиш орқали, ҳокимлар ва сектор раҳбарларининг фаолияти самарадорлигини баҳолашда (KPI) айнан “қизил” маҳаллалардаги жиноятчиликнинг пасайиш динамикасини энг асосий индикатор сифатида мустаҳкамлаш мақсадга мувофиқдир.

Ушбу чора-тадбирларнинг илмий асосланган ҳолда ҳаётга татбиқ этилиши, пировард натижада, жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш ва аҳолининг тинч-тотув ҳаётини кафолатлашга хизмат қилади.